

и птиц: повышается мясная продуктивность телят при откорме, а также цыплят и курнесушек, повышается яйценоскость и величина(средняя масса) яиц.

**Аннотация:**

*Озукавий кўшимча — Госсипренни кушам учун кунай, озукага кўшимини механизациялаш ва автоматлаштириш имконини тугдирадиган гранула шакли ишлаб чиқрилган. Ушбу восита ёш молларнинг ўсиб-ривожланиши, товуқларнинг тухумдорлигини оширади.*

**Summary:**

*The suitable preparative form of feed concentrate Gossyprene was developed as fine granular pellets, which provides to mechanize and automate of the feed application. It was established, that feed concentrate Gossyprene stimulated of increasing of young animals weight, in addition to egg-laying hens and the average egg weight.*

**Список литературы:**

1. Павлов Д.С., Наумова Е.И., Ушакова Н.А., Нестерова Н.Г., Жарова Г.К., Чернуха Б.А. Способ приготовления корма для животных из растительного сырья(Ди 2153813): InL Cl, а 23 к 1/165(10.08.2000)
2. Азимов С.Т., Рыбина Е.В. Фитострогены в полноценных комбикормах для курнесушек. /ХЗооветеринария и.о. ж-л, №12,2014. -С. 32-33.
3. N.K. Khidyrova, Kh.M. Shakhidoyatov, Chem. Nat Compd., 38,107(2002)
4. Swiezewska E., Danikiewicz W. Polyisoprenoids: Structure, biosynthesis and fiinction // Progress in Lipid Research. -Elsevier, 2005. - V.44. - P.235-258
5. Воробьева Н.В., Т.П. Логинова, Е.Ю. Герасимова Применение мине- рально- витаминной добавки Глжовиг в кормлении лакирующих коров // Зоотехния.—2008.—№ 2. - С.8-10.
6. Колпашников А. И., Ефремов А. В., Гранулированные материалы. М., 1977; Классен И. В., Гришаев И. Г., Основы техники гранулирования, М., 1982.
7. Орипов А.О., Нажмиддинов С.Н., Хидирова Н.К., Маматкулова Н. М., Шохидоятов Х. М., Набиев А., Очилов Ш, Мухиддинов. Госсипрен(озукавий кўшимча) ва уни корамолларда синаш нагизалари. //Зооветеринария и.о. ж-л, №6,2015. -Б. 41-42.
8. Орипов А.О., Ахмедов Б., Хидирова Н.К., Маматкулова Н. М\_ Ўлашев ИА. Госсипрен ҳамда биоэлементларнинг товуқлар махсулдорлигига таъсири. //Зооветеринария и.о. ж-л, №2,2016. -Б.3 8-40 ва №3,2016. -Б.3 1-32.

УДК 619.616.61724.8.559.59

## ҚОРАМОЛЛАР ТУБЕРКУЛЁЗИ ЭШВООТОЛОГИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Мамадуллаев Г.Х.,**

*Ветеринария илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистан.*

Туберкулёз - кишлок хўжалик, ёввойи, мўйнали ҳдйвонлар ва паррандаларнинг инфекциян сурункали кечадиган касаллиги бўлиб, ички аъзоларда махсус туберкулалар хосил қилиши билан тавсифланади. Касалликка чалинган ички аъзо ва тўқималарда махсус тугунлар - бўртмачалар(туберкулалар) хосил бўлади. Бундай ўчоқлар вақт ўтиши билан творогсимон бузилади, кейинчалик инфекциянинг кечишига кўра, пегрификацияланади ёки диффузсимон тарқалади. Туберкулёз-одамлар орасида ҳам кенг тарқалган касалликдир. Касаллик - жиддий икгисодий ва ижтимоий зарар келтиради.

Туберкулёзга 55 дан ортиқ кишлок хўжалик ва ёввойи ҳдйвонлар, 25 дан ортиқ паррандалар, шунингдек одамлар организми мойил хисобланади. Микобактериялар авлоди 36 мустақил турдан иборат. Микобактерия турлари эволюцион тараккиёт бошида ягона турдан иборат бўлган ва хаёт тарзи давомида турли ҳдйвонлар, паррандалар ва одам организмига мослашганлиги тадқиқотларда исботланган. Шунинг учун одамларда туберкулёз пайдо бўлишида *M. tuberculosis*, *M. bovis* ва *M. avium* турлари муҳим этиология роль ўйнади. Ҳайвонлар сути ва парранда тухуми одам учун, айниқса, болалар саломатлиги учун жиддий хавф тугдиради.

Ҳайвонлар туберкулёзи туфайли кишлок хўжалик ишлаб чиқаришининг потенциал имкониятлари кескин пасаяди, озик-овкат махсулотларининг санитар сифатига таъсир қилади, одамлар саломатлигига хавф тугдирилади. Қорамоллар туберкулёзи бўйича носоғлом хўжаликда биргина сут махсулдорлигидан 25 %дан ортиқ соғиладиган сут миқдори камайиб кетади. Бу хдр бир тонна соғиб олиндиган сугнинг 250 литри йўқотилишини билдиради. Сутни зарарсизлантириш-пастеризация харажатлари, санитария- гигиеник ва дезинфекцияловчи воситалар қўллаш учун бундан хдм кўп сарф-харажат қилинади. Носоғлом хўжаликда 15 кун ичида касал моллар гўштга топширилиши эвазига хўжаликда наслчилик ишлари тўхтатилади, бузоқ олиш кескинкамаяди ва хоказо.

XXI-аср бошида Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлигининг айрим Республикаларида туберкулёз бўйича миллат миқёсида жиддий муаммолар пайдо бўлган эди.

Қорамоллар туберкулёзи бўйича эпизоотии таҳлилга кўра, гўшт комбинатларида сўйилган хайвонларни патологоанатомик текширишлар маълумотвда ҳақиқий манзара акс эттирилмайди. Хусусий фермалар, аҳоли қармоғидаги моллар ҳам тўлиқ аллергик текширишдан ўтказилмасдан қолади.

2011-2015 йиллар давомида Республикам изга чет давлатлардан 55 минг бошдан ортиқ наслии маҳсуддор қорамол келтирилди. Ушбу наслии мол билан биргаликда туберкулёз билан касалланган моллар ҳам тасодифан келиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Туберкулёз билан касалланган молларни транспорт воситалари орқали ташиш, касалликнинг географик тарқалишини таъминлайди. Айрим ҳолларда Республиками худудида мол бозорларда четдан, чегарадош давлатлардан келтирилган носоғлом молларни сотилиши ҳам учраб туради. Туберкулёзни потенциал ташувчи моллар йирик фермаларга, фермер ҳамда аҳоли қармоғидаги моллар орасига қўшилиб қолиши мумкин. Хўжаликда биринчи марта туберкулёз 15-25 % дан кўп касал мол аниқланганда, фермадаги моллар 100% бартараф қилиниши керак (йўриқномага мувофиқ, Бонг усули бўйича). Шу билан бир каторда касалликнинг ижтимоий хавфи ҳам ошади, айниқса, болалар боғчаларида тарбияланувчи ёш болалар саломатлигига хавф туғилади.

Касал молни фермада сақланиб қолиши хўжаликда соғломлаштириш тадбирларининг муддатини янада узайтириб юборади. Маълумки, касаллик манбаи бўлиб касал одам ёки хайвон ҳисобланади. Улар касаллик кўзгатувчисини ҳдво-томчи, байтам, сут, бурундан оқдиган шиллик модда ва ахлат билан ташки муҳитга тарқатади. Шунинг учун хўжаликлар фермаларида хайвонларни юқумли касалликлардан муҳофаза қилишнинг элементлар шароитларини ташкил қилиш зарур.

Ривожланган чорвачилик хўжаликларида носоғлом ёки туберкулёз юқиш хавфи мавжуд фермаларда замонавий хўжалик юритиш тизимини шакллантириш лозим. Фермаларда хайвонлар тўйимли рацион, юқори даражада молларни сақлашни зоогиеник шароитлари ва ветеринария хизмати таъминотини йўлга қўйиш, санитария ўтказгичлари — дезомат ва дезоберьер, ёзги лагерлар, хайвонларни вақтинча сақлаш биологизаторлар, ферма худуди тўлиқ изоляцияланган ва ўралган, алоҳида озиқа сақлаш базаси, гўйи ўралари ва уни биотермик зарарсизлантириш шароити, етарли дезинфекцияловчи воситалар билан таъминлаш каби шароитлар барча фермаларда ташкил этилиши шарт. Натижада, касалликни кенг кўламда одамлар ва хайвонлар орасида тарқалиб кетишига барҳам берилди.

Қорамоллар туберкулёзида эпизоотик занжирни узишнинг 2 имконияти мавжуд. Биринчидан, касаллик аниқланган барча моллар махсус жиҳозланган қушхоналарга гўштга топширилиши зарур. Фермадаги 8 ёшдан ошган қари моллар ҳам 3 ой ичида бартараф қилиниши лозим. Бу тадбирлар амалдаги туберкулёзга қарши кураш йўриқномасида акс эттирилган ва унинг бажарилиши касалликни қайта пацдо бўлишини олдини олади. Иккинчидан, эпизоотик жараёни тўхтатиш учун яширин туберкулёзни, айниқса, ёш моллар орасида аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бундай тадбирларни ўз вақтида режалари равишда бажарилиши қисқа муддатда хўжаликни туберкулёздан соғломлаштириш имконини беради.

**Резюме:**

**Особенности эпизоотологии туберкулёза крупного рогатого скота.**

*В статье приводятся некоторые особенности эпизоотологии, экономического ущерба и мер борьбы с туберкулёзом крупного рогатого скота.*

**Summary:**

**Features of the epidemiology of cattle tuberculosis.**

*The article describes some of the features of epidemiology, economic damage and measures to fight with cattle tuberculosis.*

**Фовдаланилган адабиётлар рўйхата:**

1. Джупина С.И. Рациональная эпизоотологическая классификация инфекционных болезней сельскохозяйственных животных. Вестник РАСХН, №2,2001, -с.71-75.
2. Мамадуллаев Г.Х., Ни Г.В.. Хайвонлар туберкулёз касаллигига қарши кураш тадбирлари ҳақида кўпланма Ўзбекистон Ветеринария қонунчилиги.—Тошкент.—1998 Том 1 68-92 бет.
3. Мамадуллаев Г.Х., Рўзимуродов М. А., Ни Г.В. Хайвонлар туберкулёзининг эпизоотологии ва эпизоотик муаммолари // В кн. Создание лекарственных ресурсов, диагностических, лечебно-профилактических средств и их применение в медицине. Тездокп. Пресплаучи. практ. конф. НИИ «Восточная медицина». -Самарканд-2000.,-С. 25-26.
4. Овдиенко Н.П. Методические основы оценки эпизоотической ситуации по туберкулезу животных / Н.П. Овдиенко, И.В. Солодова// Ветеринарная патология. -2004. -№ 1-2(9). - С. 43-44.